

«Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасининг фазилати



16:00 / 19.02.2024 10416

Эй дўстим, қаранг, ўлим келмасдан олдин ишларингизни ислоҳ қилиб олинг. Чунки сиз қачон ўлим келиб қолишини билмайсиз. Билингки, умр оз, ҳасрат эса узоқдир.

Эй дўстим, «Ла илаҳа иллаллоҳ» сўзини кўпайтирмақ ва унга шукр қилмоқ лозим. Шукр улуғ неъмат учундир. Чунки неъмат шукр билан боқийдир.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар:

«Ўликларингизга «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни секин айтиб туринг. Чунки, у гуноҳларни парчалаб ташлайди».

Сўрадилар: «Эй Аллоҳнинг элчиси, агар уни ҳаётлигида айтса-чи?». Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар: «У гуноҳларни парчалайди, парчалайди» деб такрорладилар.

Аллоҳ таоло Ўзининг Каломида шундай марҳамат қилади.
«Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир» (Роҳман сураси, 60-оят).

«Ла илаҳа иллаллоҳнинг мукофоти жаннатдир».
Анас ибн Молик Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилади: У киши айтадилар: «Ла илаҳа иллаллоҳ жаннатнинг қийматидир».

Бошқа ривоятда:

«Жаннатнинг калитидир», дейилган.

Айтилади «Ла илаҳа иллаллоҳ жаннатнинг калити, лекин эшикни очиш учун калитнинг тишлари бўлиши керак. Унинг тишлари ғийбат ва гуноҳлардан пок, Аллоҳни зикр қилувчи тил, ҳасаддан ва ғийбатдан қўрқувчи пок қалб, шубҳа ва ҳаромдан пок қорин ва гуноҳлардан пок хизмат билан шуғулланадиган аъзолардир».

Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар:

«Ким Ла илаҳа иллаллоҳ деса, унинг оғзидан кўк қуш чиқади. Унинг икки оқ қаноти дур ва ёқут билан қопланган бўлади. Сўнгра осмонга кўтарилади ва ундан асаларининг товуши каби ғўнғиллаш эшитилади, унга: «Жим тургин», дейилади. Сўнгра у: «Йўқ, соҳибимнинг гуноҳи кечирилмагунча жим турмайман», дейди, шунда у айтган кишининг гуноҳи кечиради. Сўнг у қушда етмишта тил пайдо бўлиб, қиёмат кунигача эгасининг гуноҳини кечиршини сўрайди. Қиёмат куни бўлса, у қуш келади ва эгасининг қўлидан ушлаб, унга жаннатни кўрсатувчи ва йўл бошловчи бўлади.

Аллоҳ таоло Фиръавни сувга ғарқ қилди ва Мусо алайҳиссаломни қутқарди. Мусо айтдилар: «Эй Аллоҳ, менга бир амални далолат этгинки, уни қилсам, Сен менга берган неъматга шукр қилай».

Аллоҳ айтди: «Эй Мусо, Ла илаҳа иллаллоҳ, деб айт. Мусо алайҳиссалом зиёда қилишни сўрадилар».

Аллоҳ айтдики: «Эй Мусо, агар етти осмон ва етти ерни тарозининг бир палласига қўйсанг Ла илаҳа иллаллоҳ калимасини бир палласига қўйсанг албатта, Ла илаҳа иллаллоҳ калимаси оғир келади».

Уламолардан бирлари айтади: «Учта нарса борки, уни Аллоҳ таолодан ҳеч нарса тўсолмайди: Ла илаҳа иллаллоҳ калимаси, ижобат бўлишига ишонган ҳолда қилинган дуо, отанинг фарзанди ҳаққига ва мазлумнинг золимга қарши қилгна дуоси».

Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар: «Кимга ўлим вақтида лаа илаҳа иллаллоҳ сўзини талқин қилинса жаннатга киради».

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлари ривоят қилинган: «Кимнинг дунёдаги охирги каломи Ла илаҳа иллаллоҳ бўлса, жаннатга киради».

Аллоҳ таоло барчаларимизни «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини давомий айтиб юришда бу дунёдан ўтаётган вақтимизда ҳам «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни айтишлик бахтини насиб айласин.

Ал-Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандийнинг «Танбеҳул ғофилийн» китоби асосида Имом-Термизий ўрта махсус таълим муассаси талабаси Муродулло Чориев тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.